



## Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий қисмларни қайта тузиш бошланган

Шу йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлар тизимида кенг кўламли қайта тузиш ишлари бошланган, дея хабар беради республика мудофаа идорасидаги манба. Вазифалари билан фарқланувчи кўплаб ҳарбий қисмлардаги бошланган ўзгаришлар натижасида, қисмлар бирлаштириб юборилмоқда. Шундай қилиб, аввал оммавий митинг ва тартибсизликларни бостириш учун мўлжалланган махсус мобил отрядлар, эндида оддий оддий махсус кучлар отряди билан бирлаштирилган.

Манбаларнинг фикрича, ушбу қайта тузилиш кўп сонли ҳарбий бирликларни молиявий ва техник таъминотидаги танқислик оқибатида юзага келган. "Ҳарбий хизматчиларни сафида катта қисқаришлар кутмоқда.

Шунинг учун мудофаа вазирлиги аввало, гуёки, икки-уч қисмни биттага бирлаштиришяпти. Уйлаймизки, хизматчилар сафи қисқартирилгандан сўнг, вазирлик қайтадан барчасини аввалги ўрнига қўяди. Ушбу сохта қайта қуриш ҳарбий хизматчилардан уларни кутаётган сафларни қисқартиришни яшириши лозим, ва шу билан ўзларига нисбатан, ишдан бушатилиши ва ҳарбий нафақасиз келажак кутаётган офицерлар нафратига дучор бўлишнинг олдини олишдир", — дейди манба.

Унинг айтишича, феврал "ислохотлари" асосида аввалги ҳарбий қисмларнинг таъминоти учун молиявий-техник воситаларнинг, ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маош ва нафақалари учун пул маблағининг етишмовчилиги ётибди.

ЎХХ хабарлар бўлими

## Швецияда Обид қорини отган Жуковскийга умрбод қамоқ жазоси берилди

Сундсвал шаҳар суди Обид қори Назаровга нисбатан суиқасдни амалга оширишда айбдор, деб топилган Юрий Жуковскийга умрбод қамоқ жазосини берди. Суд ҳукми 1 март куни Швеция расмий матбуотида эълон қилинди. Назаровнинг яқинлари ҳукмдан қониққани, аммо буюртма қотиллик ортида тургани даъво қилинган Ўзбекистон сиёсий режимининг вакиллари жазоланишини талаб қилишда давом этишини айтмоқда.

Обид қори Назаровнинг ўғли Довудхон Обидхон ўғли Озодлик билан суҳбатда ҳукмдан рози эканини айтди:

— Биз аслида умрбод қамоқ жазоси берилсин, деб даъво қилган эдик ва даъвоимиз қондирилганидан мамнун бўлдик. Жуковский бу жазога лойиқ эди, деб ҳисоблаймиз. Лекин, бу билан иш тугамайди. Чунки, Жуковский бу жиноятни бир ўзи ижро этмаган. Унинг ортида бу жиноятни буюртма қилган шахслар бор ва уларнинг исми маълум. Прокурор такрор айтиб қелганидек, бу буюртма ортида Ўзбекистон сиёсий режими турибди, деган жуда жиддий даъво бор. Шу боис, тергов ва суриштирув давом этади. Аммо, бугунги ҳукм бундай даҳшатли жиноятни содир этганлар жазосиз қолмаслигига жиддий бир ишорат бўлди, — дейди Довудхон.

Айни пайтда у отаси — хануз шифохонада қолаётган уламо Обид қори Назаровнинг соғлигига оид саволларга ҳам жавоб берди.

Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковскийга чиқарилган 18 йиллик қамоқ жазосидан ҳам химоя томони, ҳам қоралов томони киритган апелляция аризаси юзасидан маҳкама 9 февраль куни бошланган эди.

Швеция прокурори Кристер

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Петерссон ҳам 18 йиллик жазо бир умрлик қамоқ жазосига ўзгартирилишини талаб қилган. Петерссон айблов хулосасида Ўзбекистон ҳукумати тўғридан-тўғри айбламаган бўлса-да, Жуковский суиқасдни “Ўзбекистон ҳукумати буйруғига кўра” амалга оширгани хусусидаги иддаоларни илгари сурганини билдирган эди.

Швециялик журналистларнинг айтишича, сўнгги ҳукмда бу жиноятнинг «хориждан буюртма

қилингани» қайд этилган, аммо прокурорнинг асосий иддаоси — бу жиноят ортида Ўзбекистон ҳукумати турибди, деган даъво ҳукм матнига киритилмаган.

Швеция қонунларига биноан, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар 10 йилгача жазони енгиллатиш ёки бошқа турдаги сўровлар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Ҳозир бу давлатда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган жами 200 га яқин маҳбус бор.

37 яшар Жуковский ўтган йилнинг 25 августда Россиядан Швецияга экстрадиция қилинган эди.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралда Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагида номаълум шахс томонидан отиб кетилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обид қори Назаров ҳамон оғир аҳволда шифохонада ётибди.

*Манба: «Озодлик» радиоси*

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг собиқ бошлиғи, 51 яшар МХХ собиқ полковниги Жавдат Шарифхўжаев қайта судланиб, қамоқ жазоси 16 йилга узайтирилди. Утган йили қамоққа олинган Шарифхўжаев дастлаб 4 йил қамоқ жазосига маҳкум этилган эди.

МХХ собиқ полковниги Шарифхўжаев ноқонуний тадбиркорлик, коррупция, таъмағирлик ва ўта катта миқдорда давлат маблағларини ўзлаштиришда айбли деб топилди.

Озодликнинг Ўзбекистон давлат тизимларидаги бир-биридан мустақил манбаларига кўра, МХХ собиқ мулозими Жавдат Шарифхўжаев устидан иккинчи ҳукм ўтган йил охирида Ўзбекистон Ҳарбий судининг ёпиқ мажлисида ўқилган.

Собиқ полковник Жавдат Шарифхўжаев жазони ўташ учун Бекободдаги УЯ 64/21 колониясига олиб кетилган.

Жавдат Шавкатович Шарифхўжаев 2009 йилнинг 28 августда Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган эди. У МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари генерал Ҳаёт Шарифхўжаевнинг туғишган укасиدير.

Озодлик манбасининг айтишича, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди махсус ажрим чиқариб, Жавдат Шарифхўжаевни барча орден, медаль ва бошқа унвонлардан маҳрум қилган.

Бу Жавдат Шарифхўжаев устидан кейинги бир ярим йил ичида ўтказилган иккинчи маҳкамадир.

**Ўлганнинг устига тепишми ёки адолатни тиклашми?**

Озодлик манбасининг айтишича,

**Жавдат Шарифхўжаевга 16 йил берилди**

Миллий Хавфсизлик Хизмати раисининг собиқ ўринбосари генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ишдан олиниб, устидан жиноий иш очилганидан кейин унинг қамоқдаги укасини “раскрутка” қилиш “эҳтиёжи” пайдо бўлган.

МХХ ва Хавфсизлик кенгашида у Афғонистон ва Тожикистон бўйича мутахассис ҳисобланган МХХ генерали Шухрат Фуломовнинг ўтган йил июлдаги оғзаки буйруғи билан МХХ полковниги Жавдат Шарифхўжаев Бекободдаги колониядан «раскрутка» қилиш учун Тошкентга олиб келинган эди, дейди манба.

Жавдат Шарифхўжаев 2014 йил декабрида ишдан олинган ва ноқонуний тадбиркорликка алоқадорликда айбланиб, Ўзбекистон Ҳарбий суди тарафидан нисбатан юмшоқ 4 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. У Тошкент вилояти Бекобод туманида хавфсизлик идоралари собиқ ходимлари сақланадиган УЯ 64/21-сонли жазони ижро этиш муассасасида ўтаётган эди.

Озодликка маълум бўлишича,

собиқ МХХ полковнигининг ўша пайтда қудратда бўлган акаси МХХ раисининг биринчи ўринбосари генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ўз укасини номигагина қаматиб, йил охирида амнистия қилиш режасида бўлган.

Яна бир маълумотга кўра, Жавдат Шарифхўжаевга Бекобод қамоғида яхши шароит яратиб берилган. Бошқа манбалар тасдиқламаган маълумотга кўра, Жавдат қамоқда қўл телефонида фойдаланган ва у камерада эмас қамоқдаги учрашувлар учун ясатилган хонада истикомат қилган. Айни маълумотни ва Шарифхўжаевга оид бошқа тафсилотларни Жазони ижро этиш бош бошқармаси изоҳламади.

**Назарга тушган ака-укалар**

Жавдат Шарифхўжаевнинг “ишдан қувилгани» ҳақидаги илк маълумот Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримовага нисбат берилган мактубда ҳам келтирилган эди.

Бу мактуб 2014 йилнинг июль

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

ойида "The Russian Times" Интернет нашрида ўзини Асқар Қосимов деб атаган блоггер томонидан чоп этилган "Ўзбекистон президенти тўнғич қизининг ҳаёти ва саломатлиги хавф остида" номли мақолага илова қилинган эди.

Манбаларнинг айтишича, Жавдат Шарифхўжаев қамалишдан сал олдин унинг қўл остида ишлаган 12 нафар МХХ зобити қўлга олинган эди.

Бу 12 нафар МХХ ходими ўтган йили судга тортилиб, узоқ муддатли қamoқ жазосига ҳукм қилингани ҳақида Озодлик маълумот берган эди.

Озодлик тасарруфидаги маълумотларга кўра, ака-ука Шарифхўжаевлар бошчилигидаги гуруҳ МХХ ва бошқа куч ишлатар тизимлар мулозимларидан тортиб, уюшган жиноий гуруҳ вакилларида иборат бўлган. Мазкур гуруҳнинг хорижда, хусусан Латвияда катта бизнес манфаатлари бўлган.

Мазкур гуруҳнинг асосий фигурантларидан бири МХХ полковниги ва Интерполнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Юрий Савинков ҳам ўтган йили қўлга олинди, узоқ йиллик қamoқ жазосига ҳукм этилган эди.

### **МХХ ичида давом этаётган ов натижасида яна 8 зобит қамалди**

Ўзбекистон махсус хизматларида яқин манбанинг Озодликка айтишича, шу кунларда яна 8 нафар МХХ зобити қamoққа олинган.

«Қамалганларнинг ҳаммаси катта рутбали ва МХХнинг Тошкентдаги марказий идорасида ишлайдиган зобитлардир. Булар Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати раисининг ишдан олинган ўринбосари собиқ генерал Ҳаёт Шарифхўжаев билан боғлиқ коррупция жиноятларини текшириш доирасида қўлга олинди», деди Озодлик манбаси.

Унинг яна айтишича, ўтган ойда Ҳаёт Шарифхўжаевнинг қариндошлари чет элга учиб кетаётганида учоқдан тушириб қолидирилган.

«Уларга "Ўзбекистонни тарқатиши мақсадга мувофиқ эмаслиги" тўшунтирилганидан кейин уйига қўйиб юборилган "Қариндошларга ОВИР визасини расмийлаштирган мулозимга интизомий чора кўрилган", деди манба.

Ўтган йили Ҳаёт Шарифхўжаевнинг «туғишган жияни» Ўзбекистон Адлия вазирлиги Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг собиқ

бошлиғи Жаҳонгир Фуломов ҳибсга олинган эди.

Озодлик 2014 йилда қamoққа олинган ўндан ортиқ МХХ зобитларининг ҳозирда ишдан четлаштирилган МХХ генерали Ҳаёт Шарифхўжаевга алоқадор эканига доир қатор мақолаларни ўз вақтида эълон қилган.

### **Қийноқ қўллаган генерални қарғиш урдими**

Озодликнинг яна бир манбаси эса "Ҳаёт Шарифхўжаев ва унга тобеъ ходимлар турма лохмачлари кўмагида маҳбусларни ўта ноинсоний тарзда қийнагани фактлари очилганлигини" таъкидлади.

Унга кўра, генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ишдан олиниши кейинги бир йил ичида Миллий Хавфсизлик Хизматининг ўнлаб нуфузли зобитлари ишдан олиниб, узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилиши ортидан кутилган табиий жараёндир.

«Жиноят оламида Ҳусан Московский дея танилган авторитет ҳам қamoққа олинган, энг аввало Ҳаёт Шарифхўжаевга қарши кўрсатма берган», деди бу манба.

### **Генерални қия қилган «қаҳрамон» генерал**

Озодлик манбаларининг айтишича, бу воқеани МХХнинг яна бир генерали Шўхрат Фуломов бошқараётган гуруҳнинг ғалабаси сифатида малакаш мумкин.

Озодлик тасарруфидаги хужжатларда Шўхрат Фуломов Ўзбекистон МХХсини тамсил қилган раҳбар сифатида Қирғизистон Давлат миллий хавфсизлик кўмитаси раиси Абдил Сегизбаев билан учрашгани ҳақида маълумот берилди.

Бу эса бир вақтлар Ҳаёт Шарифхўжаев билан ёвлашиб, мартабаси пастлатилган мулозимнинг Ўзбекистон МХХ тизимининг энг қудратли мулозимига айланганидан далолат.

Собиқ МХХ ходимига кўра, кейинги бир йилдан ортиқ вақт ичида МХХнинг икки генерали – Ҳаёт Шарифхўжаев ва Шўхрат Фуломовлар бошқараётган икки гуруҳ МХХда устувор мавқега эга бўлиш учун кураш олиб борган.

Иддао қилинишича, Ҳаёт Шарифхўжаев гуруҳи Ўзбекистон Республикаси бош вазири, Шавкат Мирзиёевнинг манфаатларини тамсил этган.

Яна бир МХХ генерали Шўхрат Фуломов эса, Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова тарафдори экани айтилади.

Ёвлашаётган бу икки генералнинг 2005 йил 13 май куни Андижонда юз берган исённи бостириш пайтида раҳбарият назарига тушиб, мансаб зинапояларидан кўтарилгани ҳақида маълумотлар бор.

Ҳаёт Шарифхўжаев Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида "Шон-шараф" ордени билан тақдирланган эди.

У МХХ зобитлари ва турли поғонадаги раҳбарлар ҳақида компроматларга эга бўлган иккинчи раҳбар ҳисобланган.

Ўз исми сир қолишини истаган МХХ собиқ ходимларидан бирининг айтишича, хавфсизлик хизматининг барча ходимлари, биринчи навбатда, Шарифхўжаевдан, ундан кейин эса МХХ Раиси Иноятовдан кўрққанлар.

Озодлик суҳбатдошлари назарида, "қудратли" Шарифхўжаев МХХнинг яна бир генерали Фуломов тарафидан "усталик билан олиб борилган тактик" кураш қурбони бўлган.

МХХ генерали Шўхрат Фуломов ўз фаолиятини Сурхондарё вилояти МХХ бошқармаси бошлиғи лавозимидан бошлаган.

МХХ ва Хавфсизлик кенгашида у Афғонистон ва Тожикистон бўйича мутахассис ҳисобланган.

2005 йилда Андижон шаҳрида норозиликни бостириш амалиётидан сўнг Фуломов Ислоҳ Каримовнинг эътиборига тушгани айтилади.

Генерал Фуломов Андижон фожиаларидан сўнг «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган.

### **Ортиқча ғайрат**

2014 йилда президентнинг қизи, Гулнора Каримова, Туркиянинг "Хуррият" нашрига берган интервьюсида Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларнинг коррупцияга арлашганини таъкидлаган эди.

Сал ўтиб Гулнора Каримова Ўзбекистоннинг турли варианты деб тақдим қилинган матн ҳам МХХ раисининг ўринбосари Ҳаёт Шарифхўжаевнинг коррупцион олди-бердиларини "фош қилади".

Озодлик манбалари Гулнора Каримова Twitter орқали эълон қилган ёзувлар ва матуботга берган интервьюларида исми зикр бўлган мулозимларнинг иши "чаппа кетётгани"га эътибор қаратади.

МХХ собиқ ходимига кўра, Ўзбекистон президентининг қизига тегишли мол-мулкларни мусодара қилиш жараёнида қатнашган мулозимнинг қamoққа олингани кўп нарсага ишора қилади.

Манба: ozodlik

Зарнигор Ҳақимова:  
“Модомики, Ички ишлар Вазирини қонуний никоҳдан ўтган эр-хотинни бир йилдан то уч йилга қадар бир том остида доимий пропискада туриш, ўз мулки бўлган уйини жуфтга ҳадя қилиш, мерос қолдириш, сотиш ҳуқуқини бериш каби қатор ҳуқуқлардан маҳрум қилар экан, у ҳолда ҳуқуқат бошқаруви инсон эркинлигини буғизловчи янада муҳимроқ қонун, фармон ва ё қарор қабул қилишига тўғри келади. Яъники, бир йилдан то уч йилга қадар бир уй-жойда доимий прописка қилиш ҳуқуқи амалдорлар томонидан таъқиқлаб қўйилган эр-хотиндан туғилажак фарзандлар келгусида аросатда, бошпанасиз қолишларининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқатнинг олдида



вилоятининг Самарқанд туманида туғилганман. Миллатим ўзбек. Гарчи Самарқанд тумани, Даштисухта МФЙга қарашли Даштисухта қишлоғида доимий рўйхатда турсам-да, туғилганимдан буён на доимий ва на вақтинча рўйхатдан ўта олмасдан, Тошкент шаҳрида пропискасиз яшашга мажбур бўлдим, яшадим, улғайдим. Аввалига, Учтепа туманидаги “Бойчечак” болалар боғчасида тарбияландим, кейинчалик Чилонзордаги 195-ўрта таълим мактабини тамомладим. Тошкент Давлат Техника олийгоҳи қошидаги Академик лецияда таҳсил олдим.

2015 йилнинг 21 ноябр кунинда Тошкент шаҳар, Учтепа тумани FHDYO бўйида 1315-сонли далолатнома асосида 1987 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани,

## «ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА РЎЙХАТГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ “ЎЙИН”НИ ҚАЙ БИР АҲМОҚ ЎЙЛАБ ТОПГАН!

энди бундан-да муҳимроқ чекловлар ўйлаб топиш, йўриқномалар ихтиро қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Янаям аниқроғи, бўлажак зурриётларнинг саргардонлигига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқат миқёсида “Қонуний никоҳдан ўтган эр-хотинларнинг то уч йилга қадар жинсий яқинлик қилишлари ҳам қатъиян тақиқланади” деган мазмунда маън этувчи бита ўта муҳим темир қонун ва ё фармон қарор, эр-хотиннинг қовушишларига оид махсус “Йўриқнома” ҳам қабул қилишнинг айти фурсати етиб келмадимикин?

Ўзбекистон Республикаси президенти

И.А.КАРИМОВга

Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг

раиси Нигматулла ЙЎЛДОШЕВГА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуровори

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВга

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини

Адхам АҲМАДБОЕВга

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик

хизмати раиси

ИНОЯТОВга

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини

Музроб ИКРОМОВга

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-кириш

ва фуқароликни

расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи Б. ШОРИХСИЕВга

Алимбекова Зарнигор

Авазовнадан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани,

Чилонзор, 23-мавзе, 16-хонадон, 39-уйда

вақтинча ҳам, доимий ҳам рўйхатдан ўтмасдан

яшашга маҳкум фуқаро. Моб.тел. +99893

5701747

### АРИЗА

(Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини (собиқ) Б. Матлюбовнинг имзоси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йилнинг 1 май куниндаги №71-сонли БУЙРУҚ ни бекор қилиш хусусида)

Муҳтарам президент ва ҳуқуқат расмийлари!

Мен, Алимбекова (қизлик фамилиям Ҳақимова) Зарнигор Авазовна 1994 йилда Самарқанд

Чилонзор, айти дамда 23-мавзе, 16-уй, 39-хонадонда истиқомат қилувчи, Алимбеков Қодирбек Бахадирович билан қонуний никоҳдан ўтдим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва Республикада паспорт тизимини такомиллаштириш, хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудда бўлишини тартибга солиш мақсадида имзоланган ва ҳаётга тадбиқ этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонининг 34- бандида жумладан шундай дейилган:

“34. Ўзбекистон Республикасининг куйидаги фуқаролари, шунингдек белгиланган тартибда берилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар уй-жой майдонининг қанчалигидан қатъи назар доимий қайд эттириш ҳуқуқига эгадирлар:

— эр-хотин — бир-бирининг уй-жой майдонида;..”

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Демакки, «Ўзбекистон Республикаси тўғрисида»ги Қонун талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида асосан менинг ўз турмуш ўртоғим Алимбеков Қодирбекнинг уй-жойига доимий рўйхатдан ўтиш ҳуқуқим қатъий белгилаб қўйилган.

Мен қонунда кўрсатилган ўз ҳуқуқларимдан фойдаланиш – паспортимни турмуш ўртоғимнинг уй-жойига доимий рўйхатдан ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар, Учтепа туман ИИБ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш (ХЧК ва ФРБ) бўлимига борганимда менга мазкур бўлимнинг 1-хонасидаги мутасаддиларга учрашим кераклиги айтилди.

1-хонада ўтирган ходимдан эса “Вилоятдан Тошкент шаҳрига турмушга чиққан фуқароларга то бир йилга қадар доимий рўйхатдан ўтиш маън этилади. Бу тегишли қарор асосида таъқиқланган. Турмуш қурганингизга бир йил бўлганидан сўнг доимий рўйхатдан ўтиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эгасиз. Унга қадар доимий рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризангиз қабул қилинмайди” деган қатъий жавоб олдим.

Доимий рўйхатдан ўтиш тўғрисида қонун белгилаб қўйган ҳуқуқимни талаб қилиш мақсадида Учтепа туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғи қабулига кириш борасидаги уринишларим ҳам зое кетди. Мазкур бўлим раҳбари Вилоятдан Тошкент шаҳрига турмушга чиққан фуқароларни доимий прописка масаласида турмуш қурганларига бир йил бўлмагунга қадар қабул қилмасликларини маълум қилди.

Мамлакатимизнинг Бош қонуни бўлган Конституциямизнинг 13-моддасида, жумладан, шундай дейилган: 13-модда: “Ўзбекистон Республикасида демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Бош қомусимизнинг 14-моддаси

эса 13-модданинг изчил давоми бўлиб, уни янада тўлдиради: “14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.”

Қадрли ислом Абдуганиевич!

Конституция талабларига кўра инсон ҳаёти, эркинлиги... ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланар экан, давлатимиз ўз фаолиятини фуқароларининг фаровонлигини кўзлаган ҳолда қонунийлик принципларига асосан амалга оширади экан, модомики, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинар экан, Тошкент шаҳар, Учтепа туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлими мутасаддилари нега у ҳолда менинг Конституция билан кўрикланадиган ҳуқуқларимга, эркимга дахл қилмоқда, ҳаракатланиш эркимни чеклаб қўймоқда?

Шунингдек, Конституцияда “Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон давлатининг ҳимоясидадир” деб ўқтирилади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон фуқароси мамлакат ҳудудида эркин ҳаракталанишга, ўзи ҳоҳлаган манзилда яшаш ҳуқуқига (28-модда) эга: “28-модда. Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга”.

Шундай экан нега энди мен ўз турмуш ўртоғимнинг уй-жойига доимий рўйхатдан ўтишим учун бир йил кутишим керак? Бир йилгача ким бору, ким йўқ. Бир йилгача “Худо Подшоҳ” дейди халқимиз. Эртага нима бўлишини ким билади?

Мазкур муаммо юзадан олиб борган суриштирувларимга кўра, ИИБ ХЧК ва ФР бўлими мутасаддилари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири (собик) Б. Матлюбовнинг имзоси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йилнинг 1 май кунидаги №71-сонли БУЙРУҚ билан тасдиқланган ЙЎРИҚНОМА асосида иш юритишлари маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири (собик)

Б. Матлюбовнинг 71-сонли буйруғи асосида тасдиқланган ЙЎРИҚНОМАнинг 8-бандида: “Рўйхатнинг 5- бандига мувофиқ эр (хотин), хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига башарти бир йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилинади... ..” (Бир йил-а?!) дея қатъий белгилаб қўйиш баробарида, ХЧК ва ФРБга қуйдаги ҳужжатларни, яъниким:... “... эр-хотин ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан ва ИИО профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида бир йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисида Мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига асосан маълумотнома...” (Ол-а! Қоғозбозликни кўринг!) тақдим этишлари ҳам талаб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади” дея бегилаб қўйилган.

Шундай экан, нега энди Ички ишлар вазири Конституция талабларига зид равишда буруқ чиқаргану, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов, Ўзбекистон Республикаси бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири собик Ички ишлар вазири Б. Матлюбовнинг Конституция талабларини инкор этувчи буйруғини қай бир қонунга асосланиб тасдиқлаб, келишиб, имзоланган экан?

Мамлакат қонунларининг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Конституция моддаларини инкор қилувчи бу буйруққа имзо чекканлиги янада таажжубли.

Ахир, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айнан 15-моддасида “... Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” дея қатъий белгилаб қўйилган-ку.

Давлатнинг асоси бу – халқ — унинг фуқаролари. Шундай экан,

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

қандай қилиб давлат ўз асосини, негизини – ҳалқининг ҳуқуқларига чеклов қўйиши мумкин? Яна Конституция талабларига мутлақо зид равишда?

Конституция “Ўзбекистон фуқароси мамлакат ҳудудида истаган жойга кўчиш ҳуқуқига эга” деб турган бўлса, Бош Қомусимизда “...Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоблан”са-ю, Қонунда “Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” дея таъкидласа-ю, “Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ... ҳуқуқига эга...” (28-модда) эканлиги ўқтирилса-ю, “...Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” эканлиги талаб қилинса-ю, (19-модда), “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир” (53-модда), “Мулкдор мулкига, ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади” (53-модда) дея таъкидлаб қўйилган бўлса-ю, Ички ишлар вазирини Конституция талабларини оёқ ости қилиб ўтирса?

Назаримда, Ички ишлар Вазирини (собик) Б. Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси мағзини чакмаган кўринади. Унда жумладан шундай дейилади: “16-модда. ... Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас”.

Аммо... Амалдаги аҳволни кўринг? Нима бу? Бу ҳолат Конституцияга тажовуз эмасми? Ёхуд Конституцияга ўзга ўзгартиришлар киритилгану, бундан халқ беҳабарми?

Шунингдек, мамлакатимиз Конституциясида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир” дейилган.

Хусусан, 54-модда талабига кўра, “Мулкдор мулкига, ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади” дея таъкидланган. Маълумки, уй-жой ҳам шахснинг хусусий мулки



ҳисобланади. Шахс ўз мулкидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Истаса, турмуш ўртоғини яшаш манзилига доимий рўйхатга кўяди, истамаса, йўқ. Ички ишлар тизими бу билан нафақат менинг, балки турмуш ўртоғимнинг тасарруфида бўлган мулкни бошқариш ҳуқуқига ҳам дахил қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февральдаги 41-сон “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қорорининг қабул қилиниши Конституцияни таҳқирлаш деб баҳолайман.

Мазкур ноқонуний қарорни қабул қилиш ортидан Вазирлар Маҳкамаси Конституциянинг 18-моддаси талабларини кўпол равишда бузишга кенг йўл очиб берганлар деб ҳисоблайман: Конституцияда “18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” дея қатъий белгилаб қўйилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамаси юқоридаги биргина ғайриқонуний қарорлари ортидан Ўзбекистон фуқароларини очик-ойдин тоифаларга, синфларга,

табақаларга ажратмоқда.

“1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимшалар киритиш; 2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимшалар киритиш;” Конституциянинг 78-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига тааллуқлидир.

Бас шундай экан, Халқ тақдири, фуқаролар ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалаларда Конституцияга зид равишда қарорлар, буйруқлар, йўриқномалар қабул қилиш Ички ишлар Вазирлигининг ваколат доирасига қирадимми? Ички ишлар вазирлиги ижро органи эмасми? Адашмасам, то шу кунгача тааллуқлилиги бўйича “Милиция тўғрисидаги қонун”га эга бўлмаган Ички ишлар вазирлиги ва тизимининг асосий вазифаси Қонун қабул қилувчи орган томонидан ижод қилинган қонунлар ижросини таъминлаш, қонунлар талабини оғишмай амалга ошириш, холос.

Мамлакат фуқароларининг эрки, ҳаракатланиш ҳуқуқига чеклов қўйишга, хусусий мулкига дахл қилишга, Конституцияга тамомила зид равишда буйруқлар чиқаришга ИИВга ким ҳуқуқ берган?

Шунингдек, Қомусимизнинг 83-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

хужжатлар қабул қилади.... Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив хужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир” деган талаб қўйилган бўлса-да, Вазирлар маҳкамасининг, ИИВнинг “Доимий ва вақтинчалик прописка”га оид қабул қилган қатор қарор ва буйруқлари, йўриқномалари халқ хукмига ҳавола этилмаган.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Менинг ўз турмуш ўртоғимнинг уйига доимий прописка қилиш ҳуқуқим собиқ Ички ишлар вазири Б. Матлюбов томонидан имзоланган буйруқ асосида чеклаб қўйилгач, турмуш ўртоғим Қ. Алимбеков ўз номидаги хонадонни менинг номимга, яъни ўз рафиқасининг номига расмийлаштириш мақсадида Учтепа туман 1-сонли давлат нотариал идорасига ташриф бурди.

Буни қарангки, Адлия вазирлиги тасарруфида фаолият юритиши белгилаб қўйилган давлат нотариал идораси ходимлари турмуш ўртоғим Қ. Алимбековга “Сиз ўз шахсий мулкнингиз ҳисобланмиш ўз номингиздаги уйни қонуний турмуш ўртоғингиз Алимбекова Зарнигор Авазовнанинг номига расмийлаштириб – ўтказиб беришингиз амалдаги қонунларимизга асосан 3 йилгача таъқиқланади” деган қабилида жавоб беришди. Маълум бўлишича,

Тошкент шаҳрида яшовчи ва доимий рўйхатда турувчи фуқаро вилоятдан келин бўлиб тушган, яъни Тошкент шаҳрида прописаси бўлмаган фуқаро билан турмуш қурган тақдирда, ўз рафиқасини (ёки эрини) ўз номидаги уй-жойига қонуний никоҳдан ўтган кундан ропша-роса бир йил ўтгач доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқига эга экану, бироқ ўз номидаги уй-жойини вилоятдан келган рафиқаси (ёхуд эри)нинг номига то уч йил муддат ўтгунига қадар нотариал идора орқали расмийлаштириб, ўтказиб бериш ахлоқона қарорлар асосида таъқиқлаб қўйилган экан. Бундан ташқари, Тошкентда яшаётган ва доимий прописаси бўлган фуқаро вилоятда доимий рўйхатда турган фуқаро билан қонуний никоҳдан ўтган бўлса-да, то уч йилга қадар ўз номидаги уй-жойини давлат нотариал идоралари орқали ўз турмуш ўртоғи номига расмийлаштириши, мерос қолдириши, ҳадя қилиши тегишли қонунлар орқали чеклаб қўйилган эканки, шу сабаб, уч йил ўтмагунига қадар давлат нотариал идораларига бунингдек олди-сотти, мерос ва ҳадя шартномаларини тасдиқлаш ман этиб қўйилган экан.

Муҳтарам президент!

Муҳтарам ҳукумат идоралари мутасаддилари!

Ана энди айтингчи, бунингдек ҳолатда Конституциямизнинг “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”, “Мулкдор мулкига,

ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади” (Конституциянинг 54-моддаси) деган мазмундаги мамлакат фуқароларининг эрки, ҳуқуқини кафолатловчи моддаси — қонун қиймати қаерда қолади?

“Модомики, Ички ишлар Вазири қонуний никоҳдан ўтган эр-хотинни бир йилдан то уч йилга қадар бир том остида доимий прописида туриш, ўз мулк бўлган уйини жуфтига ҳадя қилиш, мерос қолдириш, сотиш ҳуқуқини бериш каби қатор ҳуқуқлардан маҳрум қилар экан, у ҳолда ҳукумат бошқаруви инсон эркинлигини буғизловчи янада муҳимроқ қонун, фармон ва ё қарор қабул


қилишига тўғри келади. Яъники, бир йилдан то уч йилга қадар бир уй-жойда доимий прописка қилиш ҳуқуқи амалдорлар томонидан таъқиқлаб қўйилган эр-хотиндан туғилажак фарзандлар келгусида аросатда, бошпанасиз қолишларининг олдини олиш мақсадида ҳукуматнинг олдида энди бундан-да муҳимроқ чекловлар ўйлаб топиш, йўриқномалар ихтиро қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Янаям аниқроғи, бўлажак зурриёдларнинг саргардонлигига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат миқёсида “Қонуний никоҳдан ўтган эр-хотинларнинг то уч йилга қадар жинсий яқинлик қилишлари ҳам қатъиян таъқиқланади” деган мазмунда маън этувчи бита ўта муҳим темир қонун ва ё фармону қарор, эр-хотиннинг қовушишларига оид махсус “Йўриқнома” ҳам қабул қилишнинг айна фурсати етиб келмадимикин?

Қолаверса, муҳтарам президент – Сиз, ва ёки мамлакат бош прокурори, ва ё Рустам Иноятов, Ички ишлар вазири, Адлия вазири, айтингчи, бирортангиз янги турмуш қурган эр ва ё хотиннинг уч йилгача ҳеч бир зиён-заҳмат кўрмасдан яшаши, умр кўришига, (автоҳалокат ва ё касаллик оқибатида) ўлиб қолмаслигига кафил бўла оласизми? Инсоннинг умр кўриш муддатини узайтириш ва ёки қисқартириш ваколати борми қўлингизда? Йўқ, албатта. Эртага нима бўлишини ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Баски, эртага ким бор, ким йўқлигига кафолат бера олмас экансиз, фуқароларнинг шахсий, оилавий ҳаёти, умри, эртаси билан боғлиқ қандайдир уч йиллик мавҳумий муддат хусусида қарорлар чиқаришга, омманинг эркини жиловлашга, хусусий мулкдан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини чеклашга қандай ҳаққингиз бор?

Йўқса, бунингдек мантиқсиз буйруқбозликнинг боиси нимада?

Узингиз ўйлаб кўринг, Ички ишлар тизимининг собиқ вазири Б. Матлюбов томонидан (Бош прокурор, МХХ раиси, Ташқи ишлар Вазири ҳамкорлигидаги) имзоланган бунингдек ахлоқона уч йиллик чеклов муддати давомида, мабодо, Худо кўрсатмасин эр ва ё хотин омонатини топширгудек, бу дунёни тарк этиб қолгудек бўлса, оқибати нима бўлишини тасаввур қилаёпсизми? Туғишганлар,

**(Давоми кейинги саҳифада)**



**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

қариндошлар, хотин ва фарзандлар ўртасидаги адоғи кўринмайдиган мерос талашишлар, судлашишлар, низолар, ҳужжатбозликлар... Бунингдек ҳолатда эр ё хотин, ва ё фарзандлар қандай йўл тутиши, нима қилишлари керак? Бебаҳо умрларининг асосий қисмини давлат идораларининг ахмоқона қарорлари туфайлигина доимий рўйхати қайд этилмаган, прописка қилинмаган уй-жойи, мол-мулкни расмийлаштиришдек сарсонгарчиликларга бесамар сарфлашлари керакми? Сиз шунга ҳоҳлайсизми? Ўз халқингизни овора-ю сарсон, саргардон этиш ва бунинг ортидан суд, прокуратура, Кадастр, Маҳала, нотариал идора қабиларнинг порахўрлик, таъмағирлик қилишларига қулайлик, имконият яратиб бериш бунчалар ҳам манзур бўлмасизларга?

Мамлакатда “Паспорт тизимини такомиллаштириш”, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон фуқароларининг эрки, ҳаракатланиш ҳуқуқларини чекловчи фармон ва қарорлар, тан олиб айтиш керакки, 1999 йилнинг 16 февраль кунги порталшлардан кейин гуёки давлат ҳудудида тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида вужудга келди.

Хурматли ҳукумат расмийлари!

Бирок, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида ҳам мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига чекловлар қўйилмаган. Бу борада бирор бир сўз ҳам дейилмаган. Бирок, шунга қарамадан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар (собик) вазири Б. Матлюбовнинг имзоси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” қайси бир қонун ҳужжатлари ва президент фармонларига таянган ҳолда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинлигига раҳна солмоқда? Буни билишни истардим.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида судлар, прокуратура, Олий Мажлис, Ҳокимиятлар, барча-барча давлат идораларининг мақсад ва вазифалари аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Бирок, Бош Қомусимизда Ички ишлар тизими, Ички ишлар вазирлигининг ваколатлари, вазифалари, бурчлари ҳусусида эслаб ҳам қўйилмаган, бирор оғиз сўз ҳам айтилмаган ҳатто. Мамлакатимизда милиция фаолияти тўғрисида қонуннинг ўзи бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида гуё мамлакат сўз лўғатида милиция деган сўз йўқдек, бўлмагандик, бу тизим ходимлари ҳусусида қайд этилмаган бўлса, Ички ишлар вазирлиги қай бир қонунда кўрсатилган ваколатига таянган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги (2012 йилнинг 1 май кунидаги №71-сонли БУЙРУҚ) халқ хоҳишини буғувчи буйруқ чиқарди, уни нимага асосан имзолади экан?

Мен юқорида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида”ги қарор ва буйруқлар, фармойишлар, асосан, 1999 йилнинг 16 феврал кунги порталашларидан сўнг вужудга келган деб айтиб ўтдим. Гуё мамлакат ҳудудида барқарорлик, тинчлик, халқ хотиржамлигини сақлаш илинжида. Аммо амалда ҳам шундайми?

Фикру ожизимча, доимий пропискага оид юртимиз фуқаролари эрки, мулки ва ҳуқуқларига чанг солувчи бунингдек фармон ва қарорлар мамлакат расмийларининг “16 февраль порталашларидан талвасага тушиб қолган”лигини асослаш, исботлаш учунгина қандайдир хоинлар томонидан ўйлаб топилган ўйинга ўхшайди, гуё. Портлаш баҳхонасида халқ иродасига таъқиқлар қўйиш, бу ўта кулгули. Негаки, ўзингиз ўйланг, худкуш ва ё террорист Тошкент шаҳрига, пойтахтга келиб олиб ўз яқини, эри ва ё хотини, ота-онаси, фарзанди, қавму қариндошининг яшаш манзилига доимий рўйхатдан ўтиб олиб, пропискани тўғрилаб, “Мана, мен бу ёқдаман, мен орқали ортимдан қолаётган зурриёдларимни ҳам тутинглар”

деган мазмунда бамайлихотир ҳаракатланмайди. Худкуш ва ё террорист қутилмаганда қутилмаган ердан пайдо бўлади ва қутилмаганда ҳужумга ўтади. Ортидан из қолдириб ўтирмайди, улар ўта махфий, сирли ва хатарли ҳаракат қиладилар. Ҳарҳолда мен шундай деб тушунаман. Халқимиз, “Чумчуқдан кўрқан тарик эммайди” дейишади. Террористларнинг порталашларидан ҳадиксираб халқ иродасини букиш, ўз фуқаролари ҳаракатланишини чеклаб қўйиш, бу қай бир қонун нормаларига тўғри келаркин? Бунингдек бемаъни қарор ва буйруқлар халқнинг, аввало, ҳукуматга, президентга ва айти дамда, ўзига бўлган ишончини ўлдиради, йўққа чиқаради, холос. Нима, юқоридаги каби ахмоқона буйруқни ўйлаб топган мутасаддилар айнан шунга – мамлакатимизни ва унинг президентини обрусизлантиришни олдиларига бош мақсад қилиб қўйишганми?

Бир сўз билан айтганда, Ички ишлар вазири (собик) Б. Матлюбов томонидан мамлакатимизнинг асосий қонунини бўлмиш Конституцияга зид равишда 2012 йилнинг 5 май куни имзоланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги №71-сон буйруғи Ўзбекистонда порахўрлик, таъмағирлик, кооррупцияни болалатиш учун доя сифатида хизмат қилади, холос. Бунингдек қоғозбозлик ва таъқиқларни айнан шу мақсадда ўйлаб топишган.

Юқоридаги вақтларга кўра, мазкур буйруқни бекор қилишингизни ва бунингдек бемани буйруққа имзо чекканларга қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Мени турмуш ўртоғимнинг хонадонига, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатдан ўтишимда эрким, ҳаракатланиш ҳуқуқларим, шахсий мулкимга даҳл қилаётган тўсиқларни бартараф этилишида амалий кўмак беришингизни ва доимий прописканидан ўтишим учун руҳсат берилишини таъминлашингизни сўрайман.

Зеро, Конституциянинг 92-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти: ... 1) фуқароларнинг ҳуқуқлари

**(Давоми кейинги саҳифада)**



**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир”.

Ислом Абдуганиевич!

Сиз, Бош Қомусимизнинг 92-моддаси талаблари зиммангизга юклаган масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, вазифангизга киришиш чоғингизда: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан» дея мамлакат халқи олдида онд ичгансиз.

Бугун ана шу қасамёдга содиқ эканлигингизни исботлашнинг айни мавриди. Сиз бу имкониятдан тўғри фойдаланасиз деган умиддаман. Менинг важдарим ва илтимосимни инобатга олиб, Ўзбекистон фуқароларини таҳқирловчи ИИВнинг бемаъни буйруғини бекор қиласиз ва Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтиш борасида юзага келган бюрократияга чек қўйиб, юзлаб фуқароларни бемаъни саргардонликлардан муқаррар қутқариб қоласиз дея ишониб қолам.

Оғироеқлигим боис менга асабийлашиш, ортиқча ҳаяжонланиш маън этилганлиги сабабли, мазкур ариза менинг туққан онам, қонуний ишончли вакилим Эшонқулова Малоҳат Худжамовна томонидан менинг талабим, истак-хоҳишларим, иродам, қарашларим ва сўзларим асосида тўғри ёзилди ва мен томонимдан ўз истак-иродамга кўра имзоланди.

Илова:

1) Фуқаролик паспортим нусхаси;

2) Никоҳдан ўтганлигим тўғрисидаги гувоҳнома;

3) Турмуш ўртоғим Б.

Алимбековнинг паспорт нусхаси;

4) Турмуш ўртоғим Б. Алимбеков номидаги уй-жойнинг кадастр – эгалик ҳуқуқи ҳужжати;

5) Уйнинг давлат нотариал-идора орқали тасдиқланган олд-сотти шартномасидан нусха.

**Алимбекова Зарнигор**

2016 йил, 25 февраль.

**ЎХХ таҳририятига келган мактуб**

Халқимизда: айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди, деган бир гап бор. “Сирдарё ҳақиқати” газетаси 14-сон, 17.02.1916 йилда чиққан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани суди раиси З. Назаровнинг “Ҳижобдаги аёллар” мақоласини ўқиб, бўғилиб кетасан киши.

У нималар, деб алаҳсираяпти? Жабрланувчи ким? Айбланувчи ким? Неча марта ўқиб чиқма, ҳеч нарсани тушинолмайсан. Ахири, Ўзбекистонда қонунлар жиноятчилар томонда экан-да, деган хулосага келишга мажбур бўласан.

Суд раиси З. Назаровнинг ўзи ҳам мақола охирида: “Маъсума аёллар бу гал огоҳлантириш билан чекланиб қолдилар”, деб икки аёлнинг гуноҳи йўқлигини таън олган. Ёки, “масъума” сўзининг “айбсиз”, “гуноҳсиз” сўзларига синоним эканидан, унинг хабари йўқмикан?!

Э, хуллас, бу бош қотирмани муҳтарам ўқувчилар ўзларингиз ўқиб чиқиб, ўзларингиз бир хулоса ясаб олаверинглар. Бу мақолани ўқиб, бошимиз қотиб, биз қалаванинг учини йўқотиб қўйдик...

Барибир, Сирдарё тумани суди раиси З. Назаровнинг “Ҳижобдаги аёллар” мақоласида, “Тозалаш” тадбирини ўтказган Сирдарё тумани ички ишлар бўлимидагиларнинг Ўзбекистон қонунларини менсимай, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқости қилаётганлари, тўлиғича очиб берилган.

Моҳигул Қодирова билан Мафтуна Кўчимоваларнинг ҳам навбатдаги тадбирнинг қурбонлари эканликлари, пировардида, ўз исботини тўла-тўқис топяди.

Шу боис туман суди раисининг шижоатига қойил қолмасдан, Каримов режими бошида болта кўтариб турганда ҳам, унинг баралла: “окни оқ”, “қорани қора” деб аётаётганига “офарин” демасдан иложимиз йўқ.

Яшасин, туман суди раиси З. Назаров!!!

**ЎХХ таҳририяти**

**“Сирдарё ҳақиқати” газетаси  
14-сон, 17.02.2016**

**«Ҳижобдаги аёллар»  
Сирдарё тумани, «Шоликор»**

маҳалласи, Усмон Юсупов кўчасида яшовчи Моҳигул Қодирова, шу маҳалланинг «Олтин кўз» кўчасида истикомат қилувчи Мафтуна Кўчимовалар жамоат жойларида ибодат либосида, яъни ҳижобда юриб, ҳуқуқбузарлик содир этишди. Сирдарё туман ички ишлар бўлими томонидан ўтказилган «Тозалаш» тадбири давомида улар ўзларининг бу хатти-ҳаракатларини нима деб изоҳлашни ҳам билмай қолишди. Улар бундан бир неча кун аввал ҳам ҳижобда юрганларида маҳалла масжиди мутасаддилари томонидан огоҳлантирилганликлари тан олишди, аммо, уй бекалари бу

танбехдан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаган эканлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб белгилаб қўйилган. Бироқ ибодатни ҳаммага кўз-кўз қилиш шарт эмас. Қонунчиликда жамоат жойларида ибодат либосида юриш мумкин эмас. Ҳуқуқбузарлик содир этган уй бекалари қонунлардан беҳабар кўринадилар.

Суд жараёнида М.Қодирова ҳамда М.Кўчимовалар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 184-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилдилар. Суд ҳуқуқбузарларнинг илгари судланмаганликларини, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон эканликларини, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкинлигини ҳисобга олиб, адолатли ҳукм чиқарди. Судланувчиларга мазкур кодекснинг 21-моддаси қўлланилиб, жавобгарликдан озод этилдилар. Маъсума аёллар бу гал огоҳлантириш билан чекланиб қолдилар.

«Сутдан оғзи қуйган, қатикни ҳам пуфлаб ичади», деган нақл бор халқимизда. Воқеа «қаҳрамон»лари ушбу нақлнинг мағзини чақиб олган бўлсалар, ажаб эмас.

**З.Назаров,**  
Жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани суди раиси.



## Гўдакларнинг оммавий ногиронлиги сабабини аниқлаш юзасидан суриштирув ўтказилишини талаб қиламиз!

Мустақил журналист ва ҳуқуқбон Малоҳат Эшонкулова ва “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена Урлаева Самарқанд вилоятида янги туғилган чақалоқларнинг оммавий ногиронлиги юзасидан текширув ишларини сўраб Ўзбекистон Президенти И.А. Қаримовга, Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ариза билан мурожаат этган эди.

Шу йилнинг 14 февраль куни ҳуқуқбонлар айти талаб билан Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизматида ҳам бўлишди. М. Эшонкулова ва Е. Урлаева мазкур идорага Самарқанд вилоятида янги туғилаётган чақалоқларнинг қарийб 90 фоизининг оёғида нуқсонли борлиги ташвиш билдирилган ўз аризаларига илова сифатида болалари ногирон аёллар томонидан ёзилган ариза, гўдакларнинг

оёғида нуқсонли бор аёлларнинг интервьюси, шунингдек, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасининг ортопедия бўлимида оёғида нуқсонли бор гўдакларини мутахассис шифокорлардан консультация олиш илнжида кўтариб келган юзлаб бола кўтарган аёллар ва уларнинг аудиоси, видеоси туширилган DVD диск нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Республика МХХ раисининг қабулхонасига тақдим этдилар.

Шунингдек, 14 февраль куни Е. Урлаева ва М. Эшонкулова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги биноси олдида ўз талаблари акс этган плакатлар асосида пикет ўтказишди.

*“Довюрлар” гуруҳи матбуот хизмати*

**ЎХХ тахририятига келган мактуб**

## Буюк Турк ҳукмдори Атилланинг мозори

Венгрия пойтахти Будапештда Дунай устидан ўтадиган янги кўпригининг асосий қурилишини амалга оширган ишчилар VI асрга оид бир қабр топдилар. Йодгорликни тадқиқ қилиш натижасида буюк Хун лидери, эҳтимол шахсан Атилланинг ўзининг қабри бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Қабрни кўздан кечирган гуруҳ аъзоларидан Будапешт Университети тарихчиларидан Альбрехт Раммштайн “Бутунлай ақл бовар қилмайди” дея тарифлади. “Барча анъаналарда Хунларга боғлиқ кўп сонли от суяклари, ҳар хил қурол аслаҳалар ва бошқа қолдиқларни топдик.

Булар орасида метеорит темиридан ясалган бир қилич бўлиб, бу қилич Атилланинг афсонавий “Скифларнинг муқаддас уруш қиличи” бўлиши мумкин, фақат буни тасдиқлаш учун яна тадқиқотлар ўтказиш лозим.”

Рим тарихчилари “Тангрининг ғазоби” дея атаган Атилла, келиб чиқиши Ўрта Осиёдан кўчманчи халқ бўлган Хунлар ҳукмдори эди. Милодий 434 йилда ёш ва гўзал бир Гот маликаси Илдико уйлангандан сўнг 453 йилга, яъни ўлимига қадар ҳукм сурди.

Ҳамда Ғарбий ва Шарқий Рим Империясига бир қанча ҳарбий юришлар ва бу ҳужумлар кейинчалик Варварлар истилоси ёки Буюк кўчиш дея номланган Герман аҳоли ҳаракатларига сабаб бўлди.

Булар эса Римнинг қулаши ва Европа ўрта аср бошланишини сезиларли даражада жадаллаштирди.

Венгрларнинг кўпчилиги уни мамлакат асосчиси дея қабул қилади.

Қабрнинг маҳаллий ҳудудда топилиши асрлардан буён баҳс ва музоқораларга сабаб бўлган Хунларнинг ва Атилланинг шахси ва келиб чиқиши масаласига бир қанча аниқлик киритиши мумкин. Қазилар вақтида топилган кийим парчаларининг ва қимматбаҳо буюмларнинг тадқиқ қилиниши ҳозирга қадар жуда яхши қайд қилинган бу халқнинг маъданий келиб чиқиши ва тижорий тармоқларига янги бир очиқлик киритиши мумкин.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

...Ха, ўша – эртақдаги балиқчи чолни эсладингизми?

Хар кунгидан кўпроқ балиқ тутган чол хурсанд бўлиб уйига ошиқаркан, йўлда суллаиб ётган тулкини обдон текшириб кўришга ҳафсала қилмай, ўлик деб ўйлаб, “бугун жуда омадим келди-да, бунинг терисини шилдириб, иссиққина ва момикқина пўстин тиктираман”, дея уни дарров қопга солинган балиқлар ёнига жойлайди. Бундай ажойиб имкониятни қўлдан бой бермаган тулки бирдан “тирилиб”, копни очиб, балиқларни битта-битта йўл устига ташлаб кетаверди. Энг охириги балиқни ҳам пастга улоқтиргач, бир сақраб ўзи ҳам аравадан тушиб олади. Чол уйига етиб келиб, ўлжаларини олмоқ учун аравага боксаки, бўш қопдан бошқа ҳеч вақо йўқ... Атрофга оқшом чўккан маҳал унинг ҳийла билан қўлга киритган ўлжасини бўлишишни таклиф қилиб келиб қолган бўрини ҳам лақиллатиб, қўл сувига думини ботириб ўтирса, кўп балиқ тутишига ишонтириб, думидан айрилишига сабабчи бўлади... Дарвоқе, бу эртақни ҳозир нега эсладим?...

... Бугун — бутун дунёда дискриминацияга қарши кураш кунини нишонланаяпти. Дискриминация сўзи латинча *discriminatio* сўзидан олинган бўлиб, ажратиш, камситиш маъноларини англатар экан. Конституция ва қонунчиликка кўра дискриминация таъқиқланади. Инсонлар ирки, миллати, тили, ранги, жинси, диний қарашини, эътиқодидан қатъий назар, яшаш жойлари, иш жойларида уларнинг инсоний кадр-қиммати поймол этилиши, шаъни, мулки, ҳамиятига тажовузқорона муносабатда бўлиш, ҳақорат қилиш, камситиш мумкин эмас. Фуқаровий ҳақ-ҳуқуқлари химоя қилиниши керак. Аслида, амалда-чи?...

Ўзбекистонда Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда тухмат ва ҳақорат қилиш учун сезиларли миқдорда жарима тўлаш кўзда тутилган. Ҳукумат, президентни ёки ҳукуматни танқид қилган журналистлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва ўзгача фикрловчи кишиларни жазолашда тухмат, бўҳтон, ҳақорат қилиш сингари айбловлардан фойдаланиши ҳеч кимга сир эмас. Жамиятдаги мавжуд муаммоларни танқид остига олган, гоҳо оддийгина



## Чалғитиш технологияси, балиқлар ёхуд думи музлаб қолган бўри...

муаммолар юзасидан адолат истаб, калаванинг учи давлат мафияси билан тўқнашишгача олиб келиши ордидан исталмаган шахсларга айланган фуқароларнинг “овозини ўчириш”и, ҳатто ҳаётига нуқта қўйишгача бориши мунтазам давом этаётир.

Бу ўз ўрнида “Ҳукуматни, давлатни, Президентни, давлат мулозимларини ҳурмат қилишга ўргатибқўйиш” билан “изоҳланади”. Аммо давлат мулозимларининг ўзлари тухмат, бўҳтон, ҳақорат сингари камситиш усулларини фуқароларга ва қўл остидаги ходимларга нисбатан қўллаш одат тусига кириб бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Демак, мулоҳазаларимиз Ўзбекистондаги айрим раҳбарларнинг камситиш, ҳақоратлаш “тили” ҳақида...

Аввало, ҳақоратомуз сўзлардан фойдаланиш, бошқаларни камситиб гапириш миллий маданиятга, раҳбар маънавиятига қанчалик тўғри келади? Оддий халқ, оддий одамлар асрлар давомида шаклланган урф-одат, кадриятлар, жумладан, муомала маданиятини сақлашга, унга амал қилишга ҳаракат қилса-ю, шу халқ устидан назорат ўрнатган ҳукуматнинг баъзи мулозимлари конституция ва қонунларни кўпол равишда бузаётганлари етмагандай, кадриятлар юзига оёқ қўйиб, қўпол муомала қилишса, шундай гўзал она тили бир четда қолиб, ўз оғзаки “луғат”ларини ҳақоратомуз сўзлар билан “бойитишса”са, буни қандай тушунмоқ керак?...

Шу йилнинг 4 февралда Тошкент вилоят халқ депутатлари

йиғилишида бир жинсли муносабатларни ахлоқсизлик деб атаркан: «Агар эркак бошқа эркак билан яшаса, ёки аёл бошқа аёл билан яшаса, мен ўйлайманки, сизларга кўрсатаётганим мана бу ерида нимадир нотўғри ёки ўзгарган бўлиши керак», деган Президент Каримов бошига бармоғини ниқтаган ҳолда ишора қилиб. Қизиқ, президент нега айнан Тошкент вилоят халқ депутатларининг навбатдан ташқари йиғилишда кўрилган масала – вилоят ҳокимини ишдан олишдан мутлоқ ташқари бўлган бу мавзунини дабудурустан тилга олди?.. Ахир, шу пайтгача Ўзбекистонда ҳамжинсбозлик муаммоси ўта долзарб масала сифатида тилга олинмаган, матбуот, телевидение ва радиода у қадар кенг миқёсда ёритилмаган-ку?

Қолаверса, айни дамда ҳам ҳамжинсбозлик ўзбеклар ва ўзбекистонликлар учун муаммо сифатида катта минбардан катта раҳбар гапирадиган даражада ҳеч бир долзарблик касб этаётгани йўқ. Мамлакатда бу тоифа кишиларнинг гуруҳлари ё партиялари тузилгани ёхуд бу борада тарғибот-ташвиқот юритаётгани, ён-атрофдагиларга зарар етказилаётгани хусусида бирор бир маълумот ҳам тарқалгани йўқ.

Каримов гўё ўзини халқнинг диний эътиқоди, миллий кадриятларига нисбатан жуда эҳтиром кўрсатаётган одамдек кўрсатиб, халқнинг ўзидан кунмакун совиб бораётган кўнглига яна

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

бир карра ҳийла билан йўл солишга ҳаракат қилди. Бир сўз билан айтганда, яна битта сиёсий найранг қўлади. Йиллар бўйи ҳадисини олгани – чалғитиш технологиясини қўлади. Негаки, чорак асрдан бери айтилган ёлғонлар: “Ташқи кучларнинг Ўзбекистонни кўролмаслиги-ю, “террористлар” билан кўрқитиш усуллари ҳам, муҳолифат аъзолари ҳақидаги уйдирма-бўхтонлар бирма-бир фош бўлиб бормоқда. “Буёқ келажак” хусусидаги чўпчаклар ҳам сароб бўлиб чиқди.

Мамлакатда атайлаб порахўрлик, коррупция, талон-тарожлик авж олдирилганлиги, зиёлиларни обрўсизлантириш ёхуд “сталинча” қатагон қилиш, сургунлаш, туппа-тузук ишлаб турган кўплаб завод-фабрикаларни йўқотиб, мақсадли равишда йирик сондаги ишсизлар армиясини яратиш, халқни йўқсилликда ва кўркувда ушлаб туриш ҳам кимларнингдир манфаати учун керак бўлиб қолганлигини бугун бу содда халқ жуда яхши англаб етди. Бу ёқда эркатой “Гулнора иши”, ўз халқини алдаб, тунаб бойлик орттирган “Ўзбек чиновникларининг хорижий банкларда “музлатилган” миллиардлари”, қолаверса, яқин кунлар ичида кўпчиликни “шок”ка туширган хабар – “Литвиненко: ўзбек файли...” Эҳ-хе, ҳали яна қанча “сюрприз” лар бор экан-а?...

Айни замонда мамлакат аҳолиси, миллат ҳаётига таҳдид солаётган, маънавиятига путур етказётган нарса Ғарбдаги ҳамжинсбозлик муаммоси эмас, жамиятдаги адолатсизлик, ҳақсизлик, порахўрлик, коррупция, йўқсиллар, заифларнинг “кучлилар” томонидан таҳқирланиши, ҳақоратланиши, камситилиши, ҳақ-ҳуқуқининг оёқ ости қилинаётганлиги, бир сўз билан айтганда омманинг бир ҳовуч одамлар — мавжуд тузум томонидан ёппасига ҳар томонлама сиқувга олинаятганлигидир... Жамиятда одамларнинг камбағаллиги, ногиронлиги учун ёки ижтимоий мавқеига кўра камситиш, хотин-қизлар, болаларга нисбатан (калтаклаш, шаънини булғаш, зўравонликлар сингари) шафқатсизларча муносабатда бўлиш, сўз ва матбуот эркинлигини бўғиш, журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларига, диний озчиликлар, ҳатто мамлакатда асосий аҳолининг эътиқодига уйғун

бўлган ислом дини амалларини адо этаётганларга ҳам тазйиқ ўтказиш ҳоллари мунтазамлик касб этиб бўлди. Баъзан амалдор ё пулдорларнинг фарзандлари турли даражадаги жиноятларни содир этса – да жазодан кутулиб қолишади. Муштумзўрлар бир четда қолиб, уларнинг ўрнига ана шу каби кутулиб қолувчиларнинг кўз қарашига кўра гўёки, ижтимоий мавқеи пастроқ, камбағал, оилаларнинг фарзандлари “жиноятчи”га айлантирилиб, узоқ муддатга қамоқхоналарга ташланаётир. Кўп ҳолларда билими бўлмаса ҳам ёшларнинг пора бериб ўқишга кириши, таниш-билишчилик орқасидан катта мансабларни эгаллаши... хуллас, туғруқхонадан то қабристонгача илм излаш билан эмас, аксинча, “пул бўлса, чангалда шўрва” қабилида “иш битираётган”ларнинг ошиғи олчи бўлган жамиятда инсоний кадр-қиммати топталаётган, камситилаётган одамлар оз эмас....

Мамлакатдаги ишсизлик, иш топилса, маошнинг камлиги ва у ҳам кўпгина ташкилотларда баъзан вақтида берилмаслиги, берилган тақдирда эса кундалик эҳтиёжлар, коммунал тўловларга етмаслиги сабаб кўплаб фуқаролар бошқа ўлкаларга иш қидириб кетаётирлар. Уларнинг қора меҳнат ордидан топаётган маблағлари мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилишидан ташқари кўплаб оилалар учун таъминот манбаи ҳамдир. Минг эмас, миллионлаган мигрантларга эса ҳукумат ҳануз ўғай кўз билан қараб келади.

Сиёсий муҳожирлар, турли тазйиқлар сабаб юртдан кетишга мажбур бўлганлар, танқидий фикрловчиларга ҳеч бир исбот-далилсиз “хоин, соткин” деган тамға ёпиштириб, халқни уларга нафрат кўзи билан қарашга ундаб келади. Ижтимоий тармоқларда “троллар” ёллаб, турфа ҳақоратларни ёғдиртиради. Меҳнат муҳожирларини эса давлат раҳбари “дангасалар” деб атаган. «-Дангасалар деб кимни ҳисоблайман? Хўв Москвани бориб кўчаларини, майдонларини супурадиганларни. Ўтта нима йўқ... Одам жирканади, ки ўзбек миллатидан шунақа бориб, ўзига бир бурда нон топиш учун шу ёққа бориши керак экан. Ҳа, Ўзбекистоннинг ўзида ҳеч ким очликдан ўлаётгани йўқ! Энди

тиламчи бўлиб, кўчага чиқиб, кўлини узатиб сўраш, одамнинг ор-номусига қаттиқ тегади. Ўзбек миллати нима билан ажралиб туради бошқалардан? Ор-номуси билан. Ўлим билан баробар эмасми бу?! Бунақаларни дангаса дейманки, катта пул тезроқ топиш учун у ёққа бориб, шарманда қилади ҳаммамизни.» — деб айтган Ислом Каримов. (2013 йил) ...Қайси жумладаги мантиқ тўғри: “ўзига бир бурда нон топиш учун”ми ёки “катта пул тезроқ топиш учун”ми? – изоҳ йўқ... Қора ишдан ким қачон катта пул топган ўзи?... Қолаверса, “дангаса”лардан “жирканади”ган, ва баъзи фуқароларининг “тиламчи бўлиб, кўчага чиқиб, кўлини узатиб сўраш”и, “ор-номусига қаттиқ тегади”ган президент шу қўйга тушган халқнинг дардига дармон бўлиш, муаммоларини бартараф этиш ўрнига уларни ҳақорат қилиши, камситиши инсоф, адолат тарозисига қай даражада тўғри келади?! Шу сўзларни айтиш давлат раҳбарига ярашадими?...

Оила боқиш илинжида ўзга юртларга бориб, баъзан ирқилар ва миллатчилар томонидан калтаклангани (айримлари ўлдирилгани), ҳақ-ҳуқуқлари топталгани камлик қилгандай, ортга қайтгач яна ўз юртида маҳалла посбонлари-ю, куч ишлатар тизимлар томонидан таъқиб тазйиқ остига, баъзилари ҳибсга олинаятган, гумону бўхтонлар нишонига айланаётган ўзбеклар учун бу ҳолат ҳақорат, камситиш, хўрлаш эмасми? Агар шундай бўлса, бунинг учун ким жавоб бериши керак?...

Диний эътиқоди, сўз ва фикр эркинлиги, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашганлиги сабаб зиндонларга отилаётган, қаттиқ исқанжага олинаятган, қийноқларга чидолмай қамоқларда жон бераётган, йилларки Русия ерларига иш излаб кетиб, сарсон-саргардон бўлаётган, хўрланиб ўлдирилиб, жасаdlари лопиллаган тобутларга солиб қайтарилаётган навқирон ёшларнинг, миллат болаларининг тақдирига ачинмаган, мазлумлар ҳаётидан хавотир олмаган, аксинча уларни ҳақорат қилган президент нега энди айнан шу сессияда дабдурустан ҳуув олис Ғарбдаги бир жинсли никоҳлилар масаласини ўзи учун бир катта муаммога айлантириб унга чиппа ёпишиб олди ёки унга

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тўхталишни лозим деб топди?... Жар ёқасига келиб қолган жамиятда гапириш мумкин бўлган бошқа бир жиддий арзирли, долзарб муаммо ёки масала йўқ эдимиз? Албатта бор. Нега йўқ бўлар экан. Бор бўлганда ҳам керагидан ортиқча. Аслида масала бошқа бир ёқда, бошқа бир томонда. Яъни асл сабаби айни пайтда Ўзбекистонда юзага келган умумвазиятнинг ўта хавфли ҳолатга келтирилиб қўйилганлигида.

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат кўзи билан қараладиган бўлса, кейинги 25-26 йил мобайнида қайси бир соҳа ёки тармоқ гуллаб-гуриллаб, яшнаб, юксалиб кетди. Йўқ. Ҳеч бўлмаганда номига биронтасини айтиш мумкинми? Ақалли, тилга олиш, пичоққа илиниш мумкин бўлган бирор бир тармоқнинг ўзи қолмади-ку. Ҳаммаси орқага, тескари томонга қараб йўрғалашдан бошқасига ярамади. Энг ёмони шуки, борлари ҳам йўқ қилинди. Барчаси пароканда этилди. Йўқса, миллионлаган ишсизлар армияси пайдо бўлармиди?

Шунинг учун ҳам яна бир бор таъкидлаш жоизки, бу каби чиқишдан бош мақсад халқ маънавияти ва зехниятга сингиб кетган нозик жиҳатга таъсир қилиш орқали аҳолини яна бир бор мамлакатдаги мураккаблашиб бораётган вазиятдан ва борган сари танглашиб, таранглашиб бораётган ўта таҳликали ҳолатдан чалғитишдан бошқа нарса эмас. Айниқса, ана шундай ҳолатнинг барчасига ўзи сабабчи-бошчи эканлиги ўзини юртбоши ҳисоблаган одам учун янада хавотирлиги эканлигини англаш қийин эмас.

Худди шу боисдан ҳам президентнинг бу каби навбатдаги ҳавоий гаплари жамоатчиликни чалғитишнинг янгидан-янги технологияси, методологиясидан унумли фойдаланишга гўёки бир жиддий уриниш бўлди, дейиш мумкин, холос. Бу шундан бошқа нарса эмас.

Халқни бундай чалғитиш усули – ҳам балиқчини, ҳам оғзидаги ошини тортиб оладигандек туюлган бўрини чув тушириб, хийла, алдов йўли билан унинг думини кўл сувида музлагиб, қотириб қўйган ўша эртак “кахрамон”ини эслатмаяптими Сизга?...

**Тошкентлик мухбир**

Манба: [www.bbc.com/uzbek](http://www.bbc.com/uzbek)



## Малоҳат Эшонқулова: «Ариза»

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ  
ПРОКУРОРИ  
И.Б.АБДУЛЛАЕВга  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МХХ РАЙСИ  
Р.ИНОЯТОВГА  
Эшонқулова Малоҳат  
Худжамовна  
Урлаева Елена Михайловна  
Тошкент шаҳри, Учтепа  
тумани, Чилонзор, 23-мавзе, 16-уй,  
39-хонадонда яшовчи.  
моб. тел: +99893 5701747

### АРИЗА

Қатор йиллардан буён мамлакат президенти аёллар ва болалар саломатлигини давлат сиёсати даражасига кўтариб келмоқда.

Ана шу мақсаддан келиб чиқиб йилларнинг “Аёллар йили”, “Ёшлар йили”, “Соғлом авлод йили” деб номланиши, қолаверса, 2016 йилнинг “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб аталиши фикримизнинг далили.

Шундай бир паллада, афсуски, мамлакатимизнинг Самарқанд вилоятида, хусусан, Пойарик, Оқдарё, Ургут туманларида янги туғилган чақалоқлар аксариятининг оёқчаларида нуқсон пайдо бўлмоқда. Оёғи ногирон чақалоқлар кўпчиликини ташкил қилмоқда. Бундай гўдақлар сони

кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бундай дейишимизга Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, ровот қишлоғида истикомат қилувчи Раҳматова Гулнозанинг шикоят аризаси сабаб бўлди. Ёш она ўз хатида иккинчи гўдаги – 8 ойлик ўғилчасининг оёғида нуқсон пайдо бўлишида туғриқхона шифокорларининг айби бор деган шубҳада.

Шунингдек, Оқдарё тумани “Янги ровот-2” маҳалласига қарашли Уклон қишлоғига йўл олдик. Мазкур қишлоқда истикомат қилувчи Пиримова Сарвинознинг (моб.тел:+99890 1944013) 2015 йилнинг 10 феврал куни таввалуд топган фарзанди Улуғмурод Шухратов оёқчаларидаги гипс сабаб азобда эканлигини айтarkan, туғриқхоналарда янги туғилган чақалоқлар илиги олиб қўйилаётганини ҳақидаги гаплар тарқаб кетганлиги ҳақида баён қилади.

Гўдагимнинг тахтакач боғланган оёқчаларига иштонча кийгизишга ҳам қийналаман. Жудаям ноқулай бўларкан, дейди Сарвиноз.

Биз аризачининг гапларига аниқлик киритиш мақсадида Самарқанд влоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

ортопедия бўлимида бўлганимизда бу ерда бир кунда 200 юзлаб аёллар оёғида нуқсон бор, тахтакач боғланган, оёқчалари гипсланган гўдақларини шифокорлар қабулига олиб келганлигининг гувоҳи бўлдим.

Бир қишлоқда 3-4 янги туғилган чақалоқларни айнаи бир дард қийнамоқда. Барчасининг оёқларига тахтакач боғланган, гипсда.

Журналистлик суриштирувим давомида шунга аниқлик киритдимки, инсон илиги, хусусан, гўдақ илиги функция кўмагида махсус шприц орқали биопсия йўли билан қисман олинади. Суяк илигини олиш чанги туғилган гўдақларда, ёш болаларда осон кечади. Негаки, гўдақлар суяги катталарники каби қотиб улгурмаган, қаттиқ эмас, мўрт, тоғай каби юмшоқ бўлади. Унга бемалол суяк кириши мумкин бўлади.

Тиббиёт тили билан айтганда замонавий тиббиётда одам суяк илиги юрак, буйрак каби бир органдан ўзга органга кўчириб ўтказилади, яъни трансплантация қилинади.

Маълумки, инсон бош миясидаги «Гипофиз» (Hypophys-lot.) номли без уйқу вақтида организмнинг ўсиши учун хизмат қиладиган суюқлик ишлаб чиқаради. Инсон уйқуси мазкур безининг фаолият жараёнига қараб, даврларга бўлинади.

Ҳар бир давр 90 дақиқа — бир ярим соат давом этади ва бу даврлар расмда кўрсатилганидек, 5 қисм (жараён)га бўлинади.

**Қандай ухлаш керак?**

1) Суюқлик ишлаб чиқаришга ҳозирланиш (Гипофиз безининг уйғониш жараёни), 15-20 дақиқа давом этади.

2) Суюқлик ўтадиган томирларнинг мазкур жараёнга ҳозирланиши (очилиши ва тортилиши), 15-20 дақиқа давом этади.

3) Суюқлик ишлаб чиқарилиш жараёни (даврнинг авж нуқтаси, расмда А нуқта деб келтирилган), 10-15 дақиқа давом этади.

4) Суюқлик ўтадиган томирларнинг ёпилиши, 15-20 дақиқа давом этади.

5) Гипофиз безининг уйқуга кетиши, 15-20 дақиқа давом этади.

Аммо ёш оналар — суҳбатдошларим ўзинтервьюларида айтганларидек, гўдақ суяк илиги спортчиларга сотиладими, бериладими, буниси менга қоронғу, бироқ, мутахассисларнинг тасдиқлашларича, одам суяк илиги оқ қон — лейкозга ва бошқа саратон касалликларига даво сифатида қўлланилади.

Суяк илигини олиш амалиёти тиббиётда мавжуд. Ҳорижий давлатларда. Аммо бу амалиёт донорнинг, яъни суяк илигини бераётган шахснинг розилиги билан амалга оширилиши шарт.

Демоқчи бўлганим, мени гўдақлар дардининг айнаи бир хиллиги менда ҳам шубҳа уйғотмоқда. Оналар қаторида мен ҳам наслимиз, миллатимиз давомчиларининг тақдирдан хавотирдаман.

Ота-оналар журъатсиз эканлиги важдан қонун идораларига мурожаат қилишга жазм этмаганлар. Бироқ бу дегани бу муаммо урганишга арзимайди, суриштирув ишлари олиб борилиши шарт эмас дегани эмас.

Сизу биз, барчамиз авлодларимиз саломатлигига масъулмиз.

Шу нуқтаи назаридан мен ёш она Гулноза Раҳматова шикоят

интервьюси ва хатини, шунингдек, Пиримова Сарвинознинг интервью — суҳбатини сизларга тақдим этишга қарор қилдим.

Мазкур иддаолар асосида суриштирув ишлари олиб бориб, гўдақлар дардининг нима сабабдан айнан бир хил эканлигининг сабабига, нима сабабдан янги туғилган чақалоқларнинг айнан оёқчаларида нуқсон пайдо бўлиб қолаётганлиги ҳолатларига аниқлик киритишларингизни ва айбдорларни топиб, уларга нисбатан қонуний чора кўришларингизни сўраймиз.

Илова: Раҳматова Гулнозанинг шикоят аризаси, интервьюси, Пиримова Сарвинознинг интервьюси, ногирон гўдақлари тасвири, Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг ортопедия бўлими қабулига келган оёқчаларига “А” шаклида тахтакач боғланган, ногирон гўдақларини келтирган юзлаб она ва болаларнинг сурати туширилган диск илова қилинади.

Мустақил журналист:  
**Эшонқулова Малоҳат**  
Ҳуқуқ ҳимоячиси: **Урлаева Елена**  
10 февраль, 2016 йил  
**ЎХХ таҳририятига келган мактуб**

Агар кимки, масалан, 6 соат ухлайдиган бўлса, 4 та уйқу даврини босиб ўтган бўлади ва агар ҳар қандай инсон мазкур уйқу даврининг тамоми тугаган жойида (В нуқтада) уйғонадиган бўлса, кун бўйи ўзини уйқуга тўйган, тетик ҳис этади. Агар аксинча, ушбу даврнинг учинчи қисмида, яъни гипофиз безининг суюқлик ишлаб чиқараётган пайтида уйғонадиган бўлса, ҳатто бир сутка

— Кундузги уйқу, кечасига қараганда 3 баробар кўп таъсирли бўлади. Яъни, 1 ярим соат ухлаган одам 4 ярим соат ухлагандек бўлади.

— Жуда ҳолдан тойган, аммо ухлашга вақти бўлмаган одам, 20 дақиқа ухлашлик билан баданини тетиклаштириб олиши мумкин. Аммо 20 дақиқадан ошиб кетса, уйқу даврининг кейинги босқичларига ўтиб кетади ва аксинча салбий таъсир қилиши мумкин...

— Ҳеч қачон одатий уйқу вақтингиздан анча олдин ухламанг. Мисол учун, ҳар кун соат 12 да ухлайдиган бўлсангиз, ухлашга соат 10 да ётиб олманг. Чунки, барибир ухлай олмайсиз. Агар вақтлроқ ухлашни одат қилмоқчи бўлсангиз, ҳар доимги уйқу вақтингиздан 30 дан 60 дақиқача бўлган вақт оралиғида олдинроққа суринг ва бу ҳолни бир ҳафта давомида такрорланг (ҳар ҳафтада фақат бир марта вақтни ўзгартиришингиз мумкин). Шу тариқа аста-секинлик билан вақтлроқ ухлашга одатланасиз.

Илова: юқоридаги маълумотлар тажрибада синалган, тортинмасдан, иккиланмай амалда қўллашингиз мумкин.

Манба: maslahatim.uz

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Энди эса эшикни Грегорнинг ўзи очганига қарамай, ён эшиклар ҳам кун бўйи очиқ турганига, калит уларнинг қўлида бўлишига қарамай, ҳеч ким Грегорнинг ёнига кирмасди.


Тун оққанда меҳмонхона чироғи ўчди, маълум бўлдики, ота-онаси ҳам, синглиси ҳам шу пайтгача ухламаган экан. Улар оёқ учида юриб, ўз ётоқларига тарқалишди. Мана энди Грегор ўз ҳаётини янги изга солиш ҳақида бафуржа ўйласа бўлади. Лекин бу шифти баланд, бўм-бўш хона унда қўрқув уйғотар, бунинг сабабини Грегор мутлақо тушунмас эди. Ахир, бу хонада Грегор роппа-роса беш йил яшаган.

У беихтиёр диван тагига кира бошлади. Диван елкасини босиб турса ҳам, бошини кўтариш ноқулай бўлса ҳам Грегор ўзини жуда яхши сезди. Фақат гавдасининг кенглиги сабабли диван остига бутунлай киролмаганидан афсусланди.

У тун бўйи гоҳ мудраб, гоҳ очликдан уйғониб кетар, гоҳ тузалиб кетишига яширин умид сезар эди. Буларнинг ҳаммаси Грегорни бир фикрга олиб келди: унинг ҳозирги аҳволи оилага оғир тушди, энди у фақат сабр-тоқат билан, фаросат билан улар чеккан азиятни бартараф қилишга интилмоғи керак.

Эрта тонгда Грегор бу қарорини синаб кўриши учун имконият туғилди: синглиси ярим яланғоч ҳолда кўрка-писа эшикни очди. У аввалига Грегорни пайкамади (Ё парвардигор, қаерда бўлиши мумкин — ахир учиб кетмагандир?!). Кейин уни диван тагига кўриб бирдан сесканиб кетиб, эшикни ёпди. Аммо ўз қилмишидан уялиб, эшикни қайта очди-да, худди оғир касалга ёки етти ёт бегонага яқинлашгандай, Грегорга қараб оҳиста юрди. Грегор диван остидан бошини чиқариб, синглисини кузата бошлади. Сутни ичолмаганини билармикан? Қорни тўқлигидан эмас, сут ёқмагани учун ичмаганини биллиб, бошқа егулик опкелмасмикан? У диван остидан чиқиб, синглисининг оёқларига ташлангиси, ундан тузукроқ овқат сўраб, ёлборгиси келди, бироқ кизнинг фаросати етиб, ўзидан билмаса, Грегор очдан ўлса ўлардики, унга бу ҳақда ишора қилмасди.

Лекин сут тўла чаноқни кўриб, таажжубланган киз дарров



## Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-4

опкелар экан, деб ўзича фол оча бошлади. Лекин минг ўйлаганда ҳам, бу меҳрибон кизнинг нима опкелишини тасаввур қилолмасди. Грегор ёққанини танлаб ейиши учун киз бир неча хил овқат келтирди-да эски газета устига териб кўйди: чириган сабзавот, устига қайла ёпишиб қолган суяклар, жиндак майиз, озгина бодом, кечагина Грегор бурнини жийирган сасиган пишлоқ, бир бўлак қаттиқ нон, бир бўлак ёғ сурилган нон бор эди. Қиз кеча сут солинган чаноққа сув тўлдириб келди. (Бу идиш кечадан бошлаб Грегор учун ажратилган эди). Грегор ўзининг ёнида овқат емаслигини фаҳмлаб, киз хонадан чиқди, акасининг ёлғиз қолганини билдириш учун эшикни ташқаридан қулфлади. Овқат томон ўрмаларкан, Грегорнинг оёқлари бири-иккинчисидан чакқонроқ, ҳаракат қила бошлади. Яралари ҳам тузалиб қолганга ўхшарди, юришига ҳеч нарса ҳалал бермасди. У таажжуб ичра бундан бир ой муқаддам бармоғини кесиби олгани ва бу жароҳат яқингача оғриб юрганини эслади. «Наҳотки оғриқни сезмайдиган бўлиб қолдим», деб ўйлади у ва биринчи галда пишлоққа ташланди. (Пишлоқ уни кўпроқ жалб этарди). Кейин кетма-кет сабзавот билан қайлани ея бошлади. Кўзлари лазатдан ёшланди. Янги овқат ҳиди унга ёқмас, шунинг учун Грегор чирик қарам ва суякларни четга алоҳида ажратиб олиб ея эди... Синглиси «Энди жойингга

кириб ёт», дегандай эшик калитини буради. Овқатланиб бўлиб жойида мудраб ётган Грегор калитнинг шиқирлаганини эшитиб, дарров диван тагига кирди. Синглиси хонада узоқ турмади, лекин шу қисқа вақт ичида қорни шишиб кетган Грегор диван тагига жуда қийналди, нафаси қисди. У бўғилиб, энтиқиб, бақрайган кўзлари билан синглисини кузатарди. Қиз Грегордан қолган сарқитларнигина эмас, балки у тегмаган ёғли оқ нонни ҳам супуриб челақка ташлади-да, челақ оғзини тахтача билан ёпиб, кўтариб кетди. Грегор шу заҳотиёқ ётган жойидан чиқиб, қисилган қорнига эрк берди.

Бахтсизлик рўй берган куни чақирилган врач билан чилангарни нима баҳона топиб қайтариб юборишганини Грегор ҳалигача билмасди. Грегор ҳамманинг гап-сўзини тушунар, лекин унинг гапларини ҳеч ким, ҳатто синглиси ҳам тушунмасди. Фақат бир неча кундан кейин, Грегорга анча кўниккандан сўнг — гарчи, тўла бўлмаса ҳам — синглиси акасини унча-мунча тушунадиган бўлди. Масалан, Грегор овқатни охиригача эса, киз «Овқат унга ёқибди», деб қўяр ёки аксинча овқат қолиб кетса — «Яна емабди», дея овозида маҳзунлик сезиларди. Чиндан ҳам Грегор сўнгги пайтларда овқатни кам ерди.

Баъзан у бирор янгилик эшитиш умидида кўшни хоналардаги суҳбатни тинглар, қайси эшикдан овоз чикса, ўша ёққа чопар ва бутун вужуди билан эшикка ёпишиб, кулоқ соларди. Дастлабки пайтларда Грегорнинг номи тилга олинмаган ёки пинҳоний эслатиб ўтилмаган бирор суҳбат бўлмади. Икки кун давомида улар дастурхон устида ҳам, овқатдан кейин ҳам «Энди нима қиламиз» қабилида узоқ маслаҳатлашдилар. Бу маслаҳатда доим оила аъзоларининг ҳаммаси қатнашар, ҳеч ким ёлғиз қолишни истамас, шунингдек бирданига ҳаммаси уйни ташлаб кетолмас ҳам эди. Дарвоқе, воқеа юз берган куннинг эртасигаёқ хизматкор киз Грегорнинг онаси олдида тиз чўкиб, уни хизматдан озод қилишларини сўради. У чорак соатдан кейин хайрлашар экан, зор йиғлаб, кетишга руҳсат берган оилага миннатдорчилик билдирди.

Шундан кейин овқат қилиш онаси билан синглиси зиммасига тушди. Овқат қилиш унчалик

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қийин иш эмас эди, чунки ҳеч ким иштаҳа билан овқат емасди. Грегор уларнинг бир-бирини «Олинг, олинг», деб овқат ейишга ундашларини, «Раҳмат, қорним тўк», дея баҳона қилишларини тез-тез эшитадиган бўлди. Ҳатто пиво ҳам ичмай қўйишди: отасидан «Пиво ичасизми?» деб сўрашса, «Ҳа» ё «Йўк» деган садо чикмасди. Бир куни қиз отасини оғир шубҳалардан халос этиш учун «Ҳозир фаррош аёл бориб пиво олиб келади», деган эди, отаси қатъий «Йўк» жавобини берди, шу-шу қайтиб бу ҳақда ортиқ гап бўлмади.

Отаси ўша воқеа юз берган кунгун онаси билан синглисига оиланинг бугунги моддий аҳволи қандай, уни эртага нима кутяпти ҳаммасини тушунтирган эди. У аҳён-аҳёнда ўзининг кичик сандиқчасини (беш йил аввал синган қорхонадан ёдгор) очар ва бирор ёндафтарчами, расмий тилхатни топиб, кўра бошларди. Очиқлиб ёпилганда кулфдан чиққан товуш Грегор хонанишин бўлганидан буён эшитган ягона таскин эди. Грегор отаси юритган қорхонадан ҳеч нарса қолмади, деб ўйлар, қолган бўлса ҳам бу ҳақда отаси унга гапирмаган, у эса сўрамаган эди. У пайтларда Грегорнинг ягона мақсади инқирозга учраган оилани тез оёққа қўйиб, ҳаммани азобдан қутқариш бўлган. Шу боис, Грегор жонини жабборга бериб ишлади, қисқа вақт ичида оддий хизматчиликдан савдо гумаштаси лавозимига кўтарилди, унинг маоши кўп, ишдаги ҳар бир муваффақияти эса ширинкома шаклида нақд пулга айланиб, оилада пайдо бўлар ва оиланинг ҳар бир аъзоси ўзини бахтли ҳисоблар эди. Яхши кунлар эди у кунлар. Грегор кейин ҳам оилани боқишга етарли пул топган бўлса-да, ўша ажойиб кунлар такрорланмади. Бунга Грегорнинг ўзи ҳам, оила аъзолари ҳам кўникиб қолди, аммо уйдагилар Грегордан пул олар экан, аввалгидай қувонмас ва унга аввалгидай илиқ муносабатда бўлолмас эди. Фақат синглиси Грегорга яқинлигича қолди. Грегор бу қизнинг — ўзидан фарқли ўлароқ — музикани севишини, туппа-тузук скрипка чалишини билар ва уни келаси йил — қатта чиқимга қарамай — консерваторияга жойлайман, деган яширин умиди бор эди. Лекин бу унинг қатъий

## Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-4

мақсади эканини Грегор рожество арафасида тантанали равишда эълон қиламан, деган ҳаёлда эди.

Эшикка қапишиб, тикка турган Грегорнинг бошида шунга ўхшаган беҳуда фикрлар айланарди. Умумий чарчоқ оқибатида у бир зум хушини йўқотиб, ташқаридаги гапларни эшитмай қолар ва боши эшикка урилганда, дарров ўзини ўнглаб олишга мажбур бўлар, чунки салгина товуш қўшни хонадагиларни гапдан тўхтатарди. «Яна нима бало қиляпти у?» дерди отаси эшикка қараб. Ва бир оздан кейин суҳбат давом этарди.

Нихоят, Грегор шуни билдики, оила зиммасига тушган бу машаққатларга қарамай, озгина бойлик қолган экан, миқдори ҳам озми-кўпми кўтарилаётган экан: яна Грегор олиб келган маошларнинг (у ўзига бир неча гульден олиб қоларди, холос) ҳаммаси ишлатилмаган бўлиб, бу ҳам кичик жамғармани ташкил этар экан. Грегор кутилмаган бу тежамкорлик ва удабуронликка қойил қолиб бошини силкитди. Тўғри, Грегор ўша ортиқча пул билан отасининг қарзини узиб, ишдан кетиш ҳуқуқини оларди, лекин энди, отаси бу пулни ўз билганича ишлатгани маъқул.

Аммо жамғарма оила учун камлик қилади: бир йил, нари борса, икки йилга етиши мумкин. Демак, бу пуллари сарфламай, қора кунга сақлаш керак, яшаш учун эса пул топишга, меҳнат қилишга тўғри келади. Отаси соғлом бўлса ҳам, қари одам. Беш йилдирки, ишламайди, ўз кучига унчалик ишонмайди. Бу беш йил унинг серташвиш ва омадсиз ҳаётида биринчи таътил эди, шу беш йил мобайнида у анча бўшашиб, ўрнидан зўрға турадиган бўлди. Балки онаси, бўғма касалига мубтало бўлган онаси, бир кун юрса, икки кун деразаларни очиб ташлаб, қушеткада ҳансираб ётадиган онаси ишлаши керакдир? Балки синглиси, ўн етти ёшли гўдак, яхши қийимга ўч, чошгоҳгача ухлашга одатланган, оиланинг майда-чуйдасига қарашса қарашиб, қарашмаса, кичик зиёфатларда скрипка чалишга одатланган синглиси пул топар? Қўшни хонада пул хусусида гап кетар экан, уят-изтиробдан танаси ловиллаётган Грегор эшикни қўйиб юборар ва

ўзини чарм диванга ташларди.

У кечалари ўша диванда ётиб, бир лаҳза ҳам ухламай, тун бўйи диван чармини тимдалаб чиқарди. Ёки бир амаллаб креслони дераза ёнига суларди-да, дераза тоқчасига тирмашар, ойнага юзини босиб кўчага узоқ қарарди. Лекин бу уриниш ҳам беҳуда, аввалги озодлик туйғуси каби, хотирот каби заиф эди. Зеро Грегорнинг кўзлари кун сайин хиралашар, ҳатто авваллари у лаънатлайдиган касалхона биносини ҳам кўролмади қолганди. Агар у Шарлоттештрассе кўчасида яшаётганини аниқ билмасайди, Грегор деразадан кулранг осмон ва кулранг ер бир-бирига қўшилган саҳрога қараяпман, деб ўйлаган бўларди. Лекин хонани тозалашга келган фаросатли сингил креслонинг дераза ёнида турганини кўриб, уни жойидан кўзғатмади, ҳатто акасига кўчани кузатиш ўнғай бўлиши учун деразанинг бир табақасини очиб қўядиган бўлди.

Грегор синглиси билан гаплашиш иложини топиб, қилган яхшиликлари учун раҳмат айтолмайди, унинг марҳаматларини виждон азобисиз қабул қилиши мумкин эди. Аммо бунга имкон йўқлигидан Грегор қаттиқ қийналарди. Ҳарҳолда, синглиси юз берган фожиани иложи борица енгиллатишга уринар, вақт ўтган сайин Грегор ҳам ўз аҳволига кўникиб борар эди. Шунга қарамай, синглиси ҳар гал хонага кирганда Грегор таҳликага тушарди. Қиз унинг хонасини бошқаларга кўрсатмасликка интилса ҳам, кейинги пайтларда хонага кириб, эшикни очиқ қолдирар ва тез деразани очарди-да, совуқ бўлишига қарамай, ромга суяниб турар, нафаси қисилгандай чуқур-чуқур нафас олар эди. Синглиси Грегорни кунда икки марта кўрқитарди: у хонага кирганда, Грегор диван тагида қалт-қалт титраб, агар қиз деразани очмай, мен билан бир хонада туришга чидай олса эди, мен ундан шунчалик кўрқмаган бўлардим, деб ўйларди.

(Давоми келгуси сонда)

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов